QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI EKOLOGIYA VA ATROF-MUHITNI MUHOFAZA QILISH QO'MITASI

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ EKOLOGIYA HÁM QORSHAĠAN ORTALÍQTÍ QORĠAW KOMITETI

230100 Nókís qalası, Tań nurı №181-úy Tel.: (361) 224-08-77, Faks.: 224-19-51
el pochta: nukus@uznature.uz; rktabiat@exat.uz

2021-jıl "1" - dekabr № 02/18-12-2586 Nókis qalası

Қорақалпоғистон Республикаси
ҳудудий инновацион ривожланиш
бошқармаси бошлиғи
Н.Каюповга

2021 йил 29 ноябрь кунги
102-сонли хати юзасидан

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2021 йил 22 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 июлдаги Бирлшган миллатлар Бош Ассамблеасининг 2021 йил 18 майдаги "Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида"ги махсус резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисидаги ПҚ-5202-сон Қарори 1-иловаси билан тасдиқланган "Йўл харитаси"нинг тегишлилиги бўйича чора-тадбирларнинг ижроси тўғрисида маълумотлар иловадаги жадвалга асосан тақдим этилади.

Илова:___ бет.

Раис биринчи ўринбосари **М. Жоллыбеков**

Ижрочи: А. Бабажанов

Тел: 861-224-01-50

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-
муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2021 йил
1 декабрдаги 02/18-12-2586 сон хатига илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида” 2021 йил 29 июлдаги ПҚ-5202-сон” Қарори ижросини таъминлаш юзасидан

МАЪЛУМОТ

(01.12.2021й.)

Т/Р	№	Топшириқнинг мазмуни	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул	Бажарилиши
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги 75-сессиясида "Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида"ги махсус резолюциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш "Йўл харитаси" бўйича						
11.	1.	Чиқиндиларни қайта ишлаш (маиший чиқиндилар, қизилмия илдизи чиқиндилари) ва экологик тоза энергия ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш.	1.Техник-иқтисодий асослар лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2.Корхонани жойлаштириш учун ер майдони таклифларини белгиланган тартибда кўриб чиқиш. 3.Қурилиш ва монтаж ишларини амалга ошириш. 4.Корхона фаолиятини йўлга қўйиш.	2021йил октябрь 2021 йил ноябрь 2022 йил июль 2022 йил сентябрь	Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Сапаров), Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва ташкил этиш бошқармаси (Абдуллаев), Биохилмахиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бош бошқармаси (Садиков)	**Бажарилмоқда.** Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманида Қизилмия илдизини қайта ишлаш чиқиндилари ва бошқа қишлоқ хўжалик органик қолдиқларидан брикет ва гранула ишлаб чиқариш бўйича Стартап лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Нукус тумани ҳокимлигининг 2021 йил 30 августдаги 1256-01-сонли хати билан Ўзбекистан Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига молиялаштириш учун тақдим этилди.
12.	2.	Қорақалпоғистон Республикасида мавжуд маиший ва қурилиш чиқиндилари полигонларини рекультивация қилиш ҳамда янгиларини ташкил этиш.	1.Техник-иқтисодий асослар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2.Лойиҳани амалга ошириш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини киритиш.	2021 йил декабрь 2022 йил апрель	Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва ташкил этиш бошқармаси (Абдуллаев), Қорақалпоғистон	**Бажарилмоқда.** Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги “Ўзбекистан Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ4145-сон қарори доирасида, “Маиший чиқинди

Т/Р	№	Топшириқнинг мазмуни	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул	Бажарилиши
			3.Қарз битимини имзолаш. 4.Лойиҳани молиялаштириш ва амалга ошириш.	Келишилган муддатларда	Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Сапаров)	полигонларни рекультивация қилиш ва янги полигонларни қуриш" лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, шундан 120 млн. АҚШ доллари маблағи ҳисобига Қорақалпоғистон Республикасида 4 та чиқиндиларни саралаш полигонлар ва 8 та чиқиндиларни қайта юклаш станцияларини қуриш белгиланган. Мазкур қарор ижросини таъминлаш бўйича 4 та (Тўрткул, Қўнғирот, Қорқўзак ва Нукус шаҳри) ҳудудларда ҳокимликларнинг қарори билан ер майдонлар ажратилган бўлиб, ажратилган ер майдонларнинг экологик хавфсизлик лойиҳалари ишлаб чиқилиб, атроф-муҳитга таъсир чораларини аниқлаш учун лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, 8 та чиқиндиларни қайта юклаш станцияларини қуриш учун Хўжайли, Амударё, Беруний, Элликқалъа, Қонликўл, Мўйноқ, Чимбой ва Тахтакўпир туманлари танлаб олиниб, ҳозирги вақтда лойиҳалари ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги ПҚ-4889-сон қарори 6а-иловасининг 12-бандига мувофиқ, Европа тараққиёт ва тикланиш банки иштирокида Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш муддати

Т/Р	№	Топшириқнинг мазмуни	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул	Бажарилиши
						2021 йилнинг IV-чорагига ва молиялаштиришни очиш муддати 2022 йилнинг I-чорагига қадар амалга оширилиши белгиланди. Лойиҳаларнинг техник иқтисодий асослари Давлат экология қўмитаси томонидан Молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига келишиш учун (18.05.2021й. 04-04/1-1800-сон хат) киритилди. қўмитанинг жорий йил 18 майдаги билан. Бугунги кунда, Молия вазирлиги томонидан берилган қўшимча ва таклифлар (18.06.2021й. 07/05-03-32/1637-сон хат) асосида лойиҳаларнинг техник иқтисодий асосларларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.
13.	3.	Цемент ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг атмосфера ҳавосига ташламаларини мониторингининг автоматлашган тизимини жорий қилиш.	1.Цемент ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ифлослантириш манбаларидан намуналарни олиш ва таҳлил қилиш бўйича автоматик станциялар ўрнатиш тармоқ жадвалини ишлаб чиқиш. 2.Корхоналарни намуналар олиш ва таҳлил қилиш бўйича автоматик станциялар,	2021 йил октябрь 2021 йил декабрь 2022 йил	Атроф-муҳитни ифлосланишини мувофиқлаштириш ва мониторинг бошқармаси (Собиров), Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган аналитик назорат маркази (Файзиев), Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бошқармаси (Калимбетов),	**Бажарилмоқда.** “Қорақалпоқцемент” МЧЖ ҚК ва “Титан цемент” МЧЖ ҚКларнинг атмосфера ҳавосини устувор ифлослантириш манбаларидан намуналар олиш ва таҳлил қилиш бўйича ўз маблағлари ҳисобига 2021-2022 йилларда 1тадан автоматик станциялар, масофадан узатиш қурилмалари билан билан жиҳозлаш бўйича “Тармоқ жадвали” лойиҳаси ишлаб чиқилди ва келишиш учун (7.09.2021й. 04-02/1-2627-сон хат) тақдим этилди. Шу билан бирга, “Қорақалпоқцемент” 2021 йил 24 ноябрьдаги 478-сонли ва “Титан цемент”

Т/Р	№	Топшириқнинг мазмуни	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул	Бажарилиши
			атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси мониторингини олиб бориш учун масофадан узатиш қурилмалари билан жиҳозлаш. 3."Қорақалпоқцемент" МЧЖ ҚК томонидан 1 та (битта), "Титан цемент" МЧЖ ҚК томонидан 1 та автоматик станция ўрнатиш.	апрель	Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Сапаров)	МЧЖ ҚКларнинг томонидан 2021 йил 29 ноябрьдаги 542-сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Адлия Вазирига, Ҳисобот палатаси раисига ва Экология хумитаси раисига корхонада банк олдидаги мажбуриятлари ва юк ташиш харажатлари 2,5 баробарга кўтарилиб кетганлиги сабабли молиявий кийинчилик сабабли тармоқ жадвалига ўзгартириш киритиш яни 2023-йил 3-чорагига ўзайтириб бериш максадиа хат чиқарилган.
17.	4.	Қорақалпоғистон Республикасида йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини электрон хариталаш ва маълумотлар базасини ишлаб чиқиш.	1. Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида хатловини ўтказиш. 2. Хатлов натижалари асосида электрон хариталаш ва маълумотлар базасини шакллантириш. 3. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг электрон маълумотлар базаси дастурий иловасини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш.	2022 йил март 2022 йил июль 2022 йил август	Биохилмахиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бош бошқармаси (Садиков)	**Бажарилмоқда.** Қорақалпоғистон Республикасида йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини электрон хариталаш ва маълумотлар базасини ишлаб чиқиш бўйича Давлат экология қўмитаси томонидан Фанлар академиясининг Ботаника институти билан ҳамкорликда “Қорақалпоғистон Республикасининг камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ҳамда истиқболли хом-ашёбоп ўсимликларнинг давлат рўйхати ва кадастрини яратиш” бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. *<u>Маълумот ўрнида:</u> 2020 йилда “Қорақалпоғистон Республикаси ёввойи ҳайвонларининг камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турлари бўйича рақамли*

Т/Р	№	Топшириқнинг мазмуни	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул	Бажарилиши
						давлат кадастрини юритиш" мавзуси бўйича Зоология институтига Давлат экология қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳисобидан 308,5 млн.сўм маблағ ажратилиб, хўжалик шартномаси асосида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, ҳисобот тайёрланиб, амалиётда жорий қилинган. Фанлар академиясининг Зоология институти ушбу ҳудудда мавжуд ноёб ва йўқолиб кетиш арафасида турган ҳайвонот олами объектларининг рўйхати тузилмоқда. Қизил китобга киритилган хайвонот дунёси объектларининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида хатловини ўтказиш бўйича Давлат экология қўмитаси билан хўжалик шартномасини тузиш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали томонидан Қорақалпоғистон Республикаси флора ва фаунаси бўйича маълумотлар омбори дастурий иловасини яратиш ва электрон хариталаш бўйича техник топшириқлар ишлаб чиқилмоқда.
43.	5.	Қорақалпоғистон Республикасида цистанхе илдизини кластер усулида қайта ишлашни ташкил этиш.	1.Лойиҳанинг бизнес режасини ишлаб чиқиш. 2.Лойиҳа учун тайёр бино сотиб олиш. 3.Илмий хулосаларни тайёрлаш.	2021-2023 йилларда	Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Сапаров), Биохилмахиллик ва	**Бажарилмоқда.** Қорақалпоғистон Республикасида цистанхе илдизини кластер усулида қайта ишлашни ташкил этиш мақсадида «Unicom LLC» МЧЖга лойиҳа учун Нукус туманидан тайёр бино ажратиб берилди ва

Т/Р	№	Топшириқнинг мазмуни	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул	Бажарилиши
			4.Чет эл давлатларидан мутахассислар жалб этиш. 5.Лойиҳани корхонанинг ўз маблағларидан молиялаштиришни очиш. 6.Цистанхе илдизини йиғиш учун тегишли ташкилотлардан рухсатнома олиш. 7.Лойиҳани ишга тушириш.		муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бош бошқармаси (Садиков)	ҳозирги кунда зарур асбоб- ускуналарни чет элдан олиб келиш ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014-йил 20-октябрдаги 290-сонли қарорининг 1-иловасидаги “Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги низоми талаблари доирасида тасдиқланган квоталар доирасида талабномасига мувофиқ, рухсатнома бериш режалаштирилган.
51.	6.	Қорақалпоғистон экологик харитасини яратиш ва шу асосида экотуризмни самарали ташкил этиш механизмини ишлаб чиқиш.	1.Қорақалпоғистон Республикаси экологик харитасини яратиш. 2.Экологик харита асосида экологик туризмни ташкил этишнинг самарали зоналарини аниқлаш. 3.Экотуризмни ташкил этиш механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.	2021 йил сентябрь 2021йил октябрь 2021 йил ноябрь	Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Сапаров), Молия бошқармаси (Газиев), Биохилмахиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бош бошқармаси (Садиков), қўмитанинг тегишли бошқарма ва бўлимлари	**Бажарилмоқда.** Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги томонидан “Қорақалпоғистон Республикаси экотуризм харитаси”ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қорақалпоғистон Республикасида “Судочье-Акпетки” давлат буюртма қўриқхонасини ташкил қилиш тўғрисида” 2021 йил 08 февралдаги 58-сон қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ ва Қўнғирот туманларида юридик шахс ҳолдаги, умумий майдони 280 507 гектар бўлган давлат табиатни муҳофаза қилиш муассасаси шаклидаги “Судочье-Акпетки” давлат буюртма қўриқхонаси ташкил қилинганлиги муносабати билан “Қорақалпоғистон Республикаси

Т/Р	№	Топшириқнинг мазмуни	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул	Бажарилиши
						экотуризм харитаси”га қўшимча киритишга Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги таклиф киритилди.
67.	7.	Ташқи кўмак маблағларини ажратувчи донор мамлакатлар, халқаро ташкилотлар, молия институтлари, жамғармалар ва компаниялар билан БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик траст жамғармасига ресурсларни мобилизация қилиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш.	1.Ўзбекистоннинг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари томонидан потенциал ҳамкорлар билан маблагларни мобилизация қилиш бўйича учрашувларни ташкил қилиш. 2.Халқаро тадбирларда Оролбўйи минтақасига ташқи кўмак маблағларини мобилизация қилиш бўйича тақдимот материаллари билан белгиланган тартибда иштирок этиш.	Келишилган муддатларда	Халқаро ҳамкорлик ва лойиҳалар бўлими (Талипов)	**Бажарилмоқда.** Оролбўйи минтақасига ташқи кўмак маблағларини мобилизация қилиш бўйича, шунингдек, инвестиция ва грант маблағларини жалб қилиш мақсадида Халқаро ҳамкорлик ва лойиҳалар томонадан доимий чора ва тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, экология соҳасидаги халқаро ташкилотлар – БМТ Атроф муҳит дастури, БМТ Европа иқтисодий комиссияси, WWF фонди, МОМЭМ, GGGI, Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи ва бошқалар билан доимий музокаралар олиб борилмоқда.
69.	8.	Оролбўйи минтақасидаги ижтимоий-иқтисодий ва экологик масалалар тўғрисида видеороликлар ишлаб чиқиш ҳамда чет эл ОАВларида ва интернет ижтимоий тармоқларга жойлаштириш.	1. Видеоролик сценарийси ва техник шартларини ишлаб чиқиш ва келишиш. 2. Видеороликни суратга олиш, монтаж ва тайёрлаш ишларини амалга ошириш. 3. Видеороликни нуфузли хорижий телеканаллар, дастурлар	2021йил сентябрь 2021 йил ноябрь 2021 йил декабрь	Жамоатчилик билан алоқалар ва ОАВ бўлими (Раджапов)	**Бажарилмоқда.** МТРКнинг “Дунё бўйлаб” телеканали ижодкорлари билан ҳамкорликда видеоролик сценарийсининг синопсиси ва дастлабки техник шартлари ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда соҳа экспертлари билан видеороликнинг ғоясини кучайтириш бўйича маслаҳатлашувлар олиб борилмоқда.

Т/Р	№	Топшириқнинг мазмуни	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул	Бажарилиши
			ва интернет тармокларида намойиш қилиш.			
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги 75-сессиясида "Оролбуйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида"ги махсус резолюциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича устувор инновацион лойиҳалар рўйхати бўйича						
53.	9.	"Орол денгизи инқирозининг таъсирини бартараф этиш учун яшил тикланиш сармояси" лойиҳасини амалга ошириш	Оролбуйи ҳудудига "яшил" инвестицияларни жалб қилиш, экотизимларни тиклаш.	2021-2024 йиллар давомида	Халқаро ҳамкорлик ва лойиҳалар бўлими (Талипов)	**Бажарилмоқда.** Давлат экология қўмитаси ва GGGI ҳамкорлигида умумий қиймати 5,65 млн. АҚШ.долларини ташкил қиладиган «Орол денгизи инқирозининг таъсирини бартараф этиш учун Оролбўйи ҳудуди учун яшил тикланиш сармояси» қўшма лойиҳасининг 2021 йил 8 февралда Лойиҳани амалга ошириш бўйича «KOICA»нинг грант маблағи ажратилганлиги тўғрисида тасдиқловчи хати олинди (KOICA/MC/21/0414-сон). 2021 йил 2 июлда Корея Республикасининг Тошкентдаги элчихонасида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ва Глобал яшил ўсиш институти (GGGI) ўртасида "Яшил тикланиш учун" лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида Битим имзоланди ва лойиҳа ишга туширлиди.
54.	10.	Оролбуйи ҳудудида ботқокли, кўл ва пастекисли экотизимларни саклаш ва улардан барқарор фойдаланиш бўйича	Экологик тоза маҳсулот ва хизматлар.	2022-2025 йиллар давомида	Халқаро ҳамкорлик ва лойиҳалар бўлими (Талипов), Биохилмахиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бош	**Бажарилмоқда.** Халқаро экспертлар гуруҳи ёрдамида (ГЭЖ экспертлари билан биргаликда) лойиҳа таклифи ҳужжати ишлаб чиқилди ҳамда Глобал экологик жамғарма (ГЭЖ)га юборилди.

Т/Р	№	Топшириқнинг мазмуни	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул	Бажарилиши
		лойиҳани амалга ошириш.			бошқармаси (Садиков)	Давлат экология қўмитаси ва БМТ Тараққиёт Дастури ҳамкорлигида “Оролбўйи ботқоқли, кўл ва пасттекисли экотизимларни сақлаш ва улардан барқарор фойдаланиш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича чоралар кўрилмоқда. 2019 йил 19 декабрида АҚШнинг Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтган ГЭЖ нинг 57-йиғилишида ушбу Лойиҳа тасдиқланди ва ГЭЖ томонидан 4,0 млн.АҚШ доллари миқдорида грант ажратилиши маъқулланди.
55.	11.	Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида ердан фойдаланиш ва деградацияга учраган экотизимларни тиклаш лойиҳасини амалга ошириш.	Экологик тоза маҳсулот ва хизматлар.	2022-2025 йиллар давомида	Халқаро ҳамкорлик ва лойиҳалар бўлими (Талипов), Сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш бошқармаси (Мирзаев)	**Бажарилмоқда.** Давлат экология қўмитаси БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги дастури (ФАО) билан ҳамкорликда “Қорақалпоғистон Республикасида, Хоразм ва Қашқадарёда ердан фойдаланиш ва деградацияга учраган экотизимларни тиклаш” лойиҳа концепциясини ГЭФга киритиш чоралари кўрилмоқда. Лойиҳа концепцияси тасдиқлангач Давлат экология қўмитаси БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги дастури (ФАО) билан лойиҳанинг тўлиқ ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва ГЭФга молиялаштириш учун киритилади. Лойиҳа дастури ишлаб чиқилган бўлиб, молиялаштириш учун Глобал Экологик Жамғармага (ГЭФ) тақдим этилган (5.03.2020й. 03-01/8-541-сон). Лойиҳа грант қиймати 6,75 млн.АҚШ долларига

Т/Р	№	Топшириқнинг мазмуни	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул	Бажарилиши
						тенг бўлиб, ГЭФ томонида молиялаштириш дастурига киритилган. 2020 йил 22 июнда ФАОнинг Марказий Осиё бўйича минтақавий координатори Виорел Гуту билан видеоконференция орқали музокаралар ташкил этилди ва унда томонлан мазкур лойиҳа юзасидан фикр алмашдилар. 2021 йил 28 сентябрдаги 03-01/8-1477-сон хат билан Ўзбекистон томонининг лойиҳа учун 18 млн.АҚШ доллари миқдорида қўллаб қувватлаш учун маблағ ажратишга тайёрлиги тўғрисида ФАОга хат юборилди.
56.	12	Марказий Осиёда экологик мониторингни қўллаб-қувватлаш учун маълумотлар ва маълумотларнинг ишлаб чиқарилиши ва улардан фойдаланишни яхшилаш учун салоҳиятни ривожлантириш ва технологиялар алмашиш қўшма лойиҳаси	Экологик тоза маҳсулот ва хизматлар.	2021-2023 йиллар давомида	Халқаро ҳамкорлик ва лойиҳалар бўлими (Талипов)	**Бажарилмоқда.** Халқаро ҳамкорлик ва лойиҳалар бўлими (Талипов) 2021 йил февралида БМТ Атроф муҳит дастури ва Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлигининг “Марказий Осиёда экологик мониторингни қўллаб-қувватлаш учун маълумотлар ва маълумотларнинг ишлаб чиқарилиши ва улардан фойдаланишни яхшилаш учун салоҳиятни ривожлантириш ва технологиялар алмашиш” қўшма лойиҳаси бўйича онлайн тақдимот ўтказилди.